БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 10 (3809)
12 ЖУМА
ЯНВАРЬ 1979 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

ИШЧИЛАРГА АТАЛГАН

БУГУН

Мунис кўчасида 48 квартирали турар жой биносида қурилиш ишлари тугалланди.

Объектда Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 3-қурилиш трестининг 15-қурилиш бошқармаси меҳнат қилди.

Бинони тез суръатларда битказиш борасида бошланган меҳнат беллашувида Б. Нортоев, Т. Ғофуров бошлиқ комплекс бригадалар, 44-қурилиш бошқармасининг В. Бекжонов, А. Акбаров бошлиқ суворқилар ва дурадгорлар бригадалари пешқадамлик қилдилар.

Бу турар жой биноси Тошкент чўтка фабрикасининг ишчи ва хизматчиларига аталган.

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

БУГУН

Ҳамроқул Турсунқулов кўчасида 280 ўринли болалар боғчаси қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилди.

Бинода қурилишмонтаж ишларини «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестига қарашли 14-қурилиш бошқармаси бинокорлари бажаришди.

Шу кунларда мазкур бошқарманинг қурувчи ва монтажчилари Ғ. Ғулом кўчасида Тошкент Давлат чет тиллар институтининг талабаларига аталган ётоқхона биносида ҳам бинокорлик ишларини ниҳоясига етказишди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент ижодий ёшларидан ташкил топган ёш актёрларнинг бир группаси Москвага. Бутуниттифоқ ёшлар спектакларни кўригига жўнаб кетди.

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри вакиллари ана шу кўрикда ўзларининг ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишланган янги спектакллари — Б. Васильевнинг «Рўйхатларда йўқ» асарини намойиш этадилар. Ижодкор ёшлар «Илҳом» клубининг экспериментал студияси актёрлари эса Ф. Лорки асарлари асосида яратилган «Қўшиқ ўлмайди» спектаклини кўрсатадилар.

●

Қишки каникулни пойтахтимизда ўтказган запорожьелик ва ярославллик юзга яқин ёш турист ўз шаҳарларига жўнаб кетди. Улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, музейлар ва болалар театрларига экскурсиялар уюштирдилар.

— Каникул пайтида 500 га яқин ёш туристга хизмат кўрсатдик. Улар шаҳримизда мириқиб дам олишди,— дейди марказий болалар туристик станцияси директори Р. Бобораҳимов.

Бугун

Тошкент метрополитенининг қизил бурчагида ёш сайловчилар учун оғзаки альманах ўтказилди. Тадбирни Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг «Билим» жамияти ва темирйўлчилар маданият саройи уюштирди.

Альманах саҳифалари совет сайлов системаси, халқ номзодлари ва СССР янги Конституциясига бағишланди. Маданият саройининг бадиий ҳаваскорлик коллективи махсус тайёрланган концерт программасини кўрсатди.

Сайлов кампанияси даврида метрошчи ва хизматчилари орасида яна 5 марта оғзаки альманах уюштириш кўзда тутилди.

●

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида ана шу олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг институт ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишланган илмий конференцияси ўз ишини тугатди.

Конференцияда институт кафедраларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳақида юзга яқин доклад тингланди. Чет тилларини ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

●

«Подъёмник» заводи кўприкли кранларнинг навбатдаги туркумини Свердловск областининг ўрмон саноат корхоналарига юборди.

«Подъёмник» маркаси қўйилган кўприкли кранлар Байкал Амур магистрали қурилишида, РСФСРнинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришда ва республикамизнинг Қарши чўлидаги бунёдкорлик ишларида ғоят қўл келяпти.

Корхона шу йил охиригача турли адресларга 1300 тадан ортиқ кўприкли кран жўнатади.

Тошкент химия-фармацевтика заводи дори-дармонлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. Бу ерда тайёрланаётган дори-дармонлар бепоён мамлакатимизнинг кўпгина жойларига жўнатилади.

СУРАТДА: корхонанинг бинт тайёрлаш цехида Сибирь қурилишларига жўнатиш учун ҳозирланаётган маҳсулотлар.

Эртага

Меҳнат отпускасини пойтахтимизда ўтказаётган бир группа янгийўллик туристлар санъат музейи экспонатлари билан танишадилар. Шу куни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари ҳамда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган мингдан ортиқ туристлар ҳам музейни келиб кўришади, санъат дурдоналари билан танишишади.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЭРИШАЙЛИК!

1979 йил 4 МАРТ ЯКШАНБА — СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

1-пойафзал фабрикасининг эркаклар учун ичи мўйнали қишки ботинкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 7-цехи коллективи беш йилликнинг учинчи йилини 535 минг жуфтга яқин пойафзал ишлаб чиқариш билан якунлади. Бу маҳсулотнинг 30 проценти беш кирали белги билан ишлаб чиқарилди.

Бу йил коллектив ўз олдига жами маҳсулотнинг 50 процентини Давлат Сифат белгиси билан тайёрлаш вазифасини кўйди. Хозир шу мақсадда кадрларнинг малакасини оширишга, ташкилий-техник тадбирлар плани бўйича цехда техника тараққиётини амалга оширишга эътибор бериляпти.

Пойафзалчилар ўртасида оз маблағ ва куч сарфлаб, кўплаб юқори сифатли буюмлар тайёрлаш учун қўрашда Ш. Каримов, К. Дўстмуҳамедов, М. Ҳошимов, С. Сиддиқов каби пойафзал тикувчилар ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Цехда янги йилдан бери ўн беш минг жуфтдан ортиқ ботинка тайёрланди. Бу маҳсулотнинг 5.5 минг жуфти фахрли белги билан савдо тармоқларига чиқарилди.

●

ШАХСИЙ БЕЛГИ БИЛАН

Тошкент трактор заводидаги ВЛКСМ XVIII съезди делегати Владимир Зайцев бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси 1978 йилни ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари бўйича салмоқли ютуқлар билан якунлаганди. Коллектив ҳозир ҳам графиклан ўзиб меҳнат қилиб, смена топшириқларини 130—140 процент адо этяпти. Тракторнинг мураккаб деталларини улар тез ва соз тайёрлаб, ҳамма маҳсулотни биринчи тақдимда, аъло сифатда топшириш ҳаракат қилишяпти. Токарь Сергей Зайцев деталларни шахсий белги билан топшириш ҳуқукини олган. Коллективдаги дўсўона вазият муваффақиятлар омили бўляпти. Токарлардан Владимир Кондрашев буриш валининг мураккаб деталларини тайёрлашда дўстларига яқиндан ёрдам бераяпти. Коллективдаги юксак меҳнат интизоми, ўхшаш касбларни эгаллаш бригада аъзоларига ўтган йилнинг планини СССР Конституциясининг бир йиллигига қадар бажариш имконини берди. Хозир ёш тракторсозлар нинг меҳнат календарида 1979 йилнинг август ойи давом этяпти.

• *Тошкент — мамлакатга*

КОЛЛЕКТИВ АҲДИ

БУГУН

Шимолий Кавказга темир йўли орқали ҳар бирига 30 тоннадан бўёқлар жойлашган учта темир йўл вагони жўнаб кетди. Бу маҳсулотлар корхона коллективининг беш йиллик тўртинчи йили биринчи ҳафтасида қилган меҳнат самарасидир. Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимизнинг 300 дан ортиқ шаҳарларига, Монголия Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси каби бир неча чет эл мамлакатларига юборилмоқда.

Беш йилликнинг учинчи йилида фидокорона меҳнат қилинганлиги туфайли планга қўшимча 1,5 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Бу қабул қилинган социалистик мажбуриятдан бир ярим баравар ортиқдир.

Бошқарма томонидан беш йилликнинг тўртинчи йилида 48 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани белгиланган эди. Ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиққан корхонанинг бир мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари йил давомида 55,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Жумладан, ярим миллион сўмлиги планга қўшимча тайёрланади. Коллективнинг аҳди шундай.

Устоз ўз шогирдининг муваффақиятини кўриб қанчалик қувонганини кўрганмисиз?! Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Раъно Тўйчиеванинг қувончи чексиз. У мана 22 йилдан бери шу даргоҳда меҳнат қилиб, кўплаб шогирдларини мустақил ишлашга нузатмоқда. Ушбу фотолавҳада ҳам у шогирдларининг ишини кўриб қувоняпти.

Р. Загратдинов фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Республика Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг 11 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида СССР Ёзувчилар союзи правлениеси V пленумининг якунлари ва Узбекистон адибларининг вазифалари муҳокама қилинди. Узбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин доклад қилди.

Докладчи ва нотиқлар шуни қайд этишдики, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг V пленумида бўлиб ўтган катта ва жиддий суҳбат мамлакат ёзувчилар ташкилотининг миллий адабиётлар янада равнақ топишидан, совет сўз усталарининг дўстлиги ва кардошлиги янада мустаҳкамланишидан астойдил манфаатдор эканлигини кўрсатувчи далиллар. Мазкур пленумда ўзбек адабиётининг ҳозирги аҳволи ва уни КПСС XXV съездидан, партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларидан кейин ривожлантириш йўллари объектив равишда анализ қилинди.

Узбекистон адабиётини ривожлантиришда муваффақиятларга эришилганлиги шубҳасиздир, деб таъкидланди йиғилишда. Республика ёзувчилари турли форма ва жанрларда кўпгина салмоқли асарлар яратишдики, бу асарлар ўзининг проблематикасига, бадиий ифодасига, социал оҳангига кўра китобхонлар ғоят кенг оммасининг эътиборига сазовор бўлди. Узбекистон адиблари замонамизнинг маънавий бойлигини очиб беришга, унга ҳаётда, меҳнатда, ижодда ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Нотиқлар таъкидлаб ўтишганидек, Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўрик» асарлари ҳаётни чуқур билишнинг, совет кишисининг маънавий дунёсига чуқур кириб бормоқ учун революцион назарияни эгаллаш зарур. Адабиёт кадрларини ғоявий-назарий жиҳатдан камол топтириш, уларни отаишин совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, ўзининг роли ва масъуллиятини тушуниш руҳида тарбиялаш масалалари доим партия ташкилотининг диққат марказида бўлиши лозим. Ёзувчилар орасида юксак талабчанлик, ўз ўзини танқид, ўртоқлик руҳини ва шу билан бирга камчиликларга муросасизлик руҳини муттасил сақлаш лозим.

Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисидаги қарори асосида ёш ёзувчилар билан ишлашга айниқса эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Шунга кўра ёш адиблар билан ишловчи республика кенгашининг фаолиятини активлаштириш, область ёзувчилар ташкилотларига раҳбарлик ва ёрдамни кучайтириш зарур.

Партия йиғилиши қатъий ишонч билдириб айтдики, ижодий союзнинг ҳамма аъзолари юксак гражданлик ва ёзувчининг активлиги негизида ўз маҳоратини муттасил ошира бориб, партия совет халқи олдига кўяётган вазифаларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшадилар, Ўзбекистон меҳнаткашларининг жўшқин ҳаёти ва қаҳрамонона зафарларини чуқур ва тўлиқ, юксак бадиий савияда тасвирловчи янги салмоқли асарлар яратадилар.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади. Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. А. Беляев қатнашди.

[ЎзТАГ].

Пропагандистлар семинари

Октябрь район партия комитетининг мажлислар залида иқтисодий таълимнинг СССР Конституцияси — ривожланган социализм конституцияси курси бўйича район пропагандистларининг навбатдаги семинари ўтказилди. Семинар қатнашчилари ана шу мавзу юзасидан иқтисод фанлари доктори Э. А. Акрамовнинг докладини тингладилар.

Иқтисодий таълим бўйича партия ва комсомол ўқуви барча звеноларининг навбатдаги машғулотларида КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми материаллари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кўрик» хотира асарини ўрганиб чиқиш тавсия этилди.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати олдидан

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Тонги репортаж

Тонг саҳарлаб институт даргоҳи кишилар билан гавжум. Бу ерда қандайдир катта тадбирга тайёргарлик кўрилаётгандек. Ҳамма институтнинг мажлислар залига оқиқади. Соат саккиз бўлмасданоқ зал профессор-ўқитувчилар состави, студент йигит-қизлар билан лик тўлди. СССР Алоқа министрлигига қарашли Тошкент электротехника алоқа институтида бу тонг Киров район партия комитети, район ижроия комитетининг масъул ходимлари ташриф буюришди. Бу ерда Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишга ҳамда ана шу муҳим сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган кампанияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда мутасадди бўлган кишиларга кўкрак нишони ҳамда гувоҳномаларни тантанали суратда топшириш бағишланган митинг бўлди.

Институт ректори, техника фанлари доктори Жўра Абдуллаев митингни очар экан, Бутуниттифоқ аҳолисини навбатдаги рўйхатга олиш муҳим аҳамият касб этишлиги, рўйхатга олиш маълумотлари эса, мамлакатимиз халқ хўжалигини бундан буён янада динамик ривожлантириш учун зарурлиги тўғрисида қисқача сўзлаб берди. Шундан кейин район аҳолисини рўйхатга олиш билан мутасадди бўлган институт ўқитувчилари ҳамда студентларига, активларга бирин-кетин СССРнинг давлат харитаси тасвири туширилган, «Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш. 1979 йил» деб ёзилган кўкрак нишони ҳамда гувоҳномалар тантанали вазиятда топширилди.

БУГУН

район территориясида аҳолини рўйхатга олиш олдидан хонадонларни айланиб чиқишга киришилди. Бу тадбир беш кун давом этади.

Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишларига саккиз юзга яқин киши жалб қилинган. Жумладан олти юз киши махсус тайёргарликдан ўтди.

Районда саккизта рўйхатга олиш бўлими ташкил этилган. Бўлимлар мактаб ва институтларга жойлашган бўлиб, уларга ана шу илм муассасаларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари бошчилик қилишяпти. Тайёргарлик ишларига ўқитувчилар ва студентлардан уч юз кишини ажратган электротехника алоқа институти коллективи катта ёрдам берди. Бу активлар олтита бўлимда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордилар. Шуниндек, автомобиль йўллари институтининг маъмурияти ҳам яқиндан ёрдам берди.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик даврида Киров район ижроия комитетининг раиси С. М. Юсупов бошчилигидаги штаб барча муҳим тадбирларни амалга оширди. Район статистика бўлими мудири, штаб бошлиғи ўринбосари Т. А. Трошина, «Союзгипрорис» институти Тошкент бўлимининг директори Г. И. Ильяшченко ва бошқа кўпгина мутахассислар жамоатчилик асосида ҳамма тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишди. Рўйхатга олинганлик тўғрисида справка ва варақалар активларга бўлиб берилди. Энди навбат активларга. Улар ўзларига бириктирилган хонадонларни рўйхатга олишдан олдин яна бир бор айланиб чиқишади. Бундан максад — аҳолини аниқ ҳисобга олишдан, муҳим тадбирни муваффақиятли ўтказишдан иборат.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Латвия ССР ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини шонли юбилей— Латвия Совет Социалистик Республикаси эълон қилинганлигининг олтмиш йиллиги билан қизғин ва самимий қутлайдилар.

● Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Т. Живковнинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко қиска муддатли дўстона визит билан 11 январь куни Москвадан Софияга жўнаб кетдилар.

Визит тугаганидан кейин ўртоқ Л. И. Брежнев Болгарияда бир неча кун дам олади.

• Янгилик! Хабарингиз борми?

САВДО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Ленин районидаги «Қўйлиқ-3» массиви аҳолиси учун бир кунда 5—6 минг кишига маиший хизмат кўрсатадиган савдо маркази очилди. Икки қаватли бино йирик панелли блоклардан тикланган бўлиб, унинг қурилишига бир неча юз минг сўм пул сарфланган.

Янги савдо марказида озиқ-овқат моллари магазини, кафе, кийимлар ательеси, сартарошхона, химчистка, кийим-кечакларни ювишга қабул қиладиган пункт, «Сервис» фирмасининг прокат пункти, пойафзал устахонаси сингари хизмат турлари бор. Бу ерда юздан ортиқ киши аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ленин район ижроия комитети қошидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг инженери Н. Эргалина мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Районда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг янги-янги турларини жорий этиш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида Куйбишев шоссесининг бошланишида яна бир маиший хизмат кўрсатиш комплекси ишга туширилади. Унинг биноларн қурилиши олиб борилмоқда. Бундан ташқари «Узбекистон» маиший хизмат уйидаги зиёфатлар зали қайта реконструкция қилиниб, кенгайтирилмоқда.

Ўтган йили район аҳолисига 7 миллион 127 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса, бу рақам шу йилнинг ўзида 7 миллион 700 минг сўмга яқинлашиб боради.

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги социалистик меҳнат тақсимотида Чехословакиянинг иштироки тобора кенгаймоқда. Чехословакия саноатини Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан саноат корхоналари билан кооперативлаш ва ихтисослаш тўғрисидаги узоқ муддатли битимлар ва шартномалар асосида бу мамлакатлар билан ЧССР ўртасида савдо обороти ўтган йили 7,6 процент кўпайди.

«Руде право» газетасининг уқтириб ўтишича, Чехословакиянинг Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли дўстона ҳамкорлиги Чехословакия экономикасининг муттасил ривожланиши учун асосий шартдир.

● ВЬЕНТЬЯН. Каосан Патет Лао агентлигининг хабар беришича, Лаос Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Кампучиянинг Халқ Революцион кенгашини Кампучиянинг қонуний ҳукумати ва Кампучия халқининг ягона вакили, деб расмий равишда тан олди.

● БРЮССЕЛЬ. Христиан халқ партиясининг вакили В. Мартенс давлат бошлиғи король Бодуэнга Бельгиянинг янги ҳукуматини тузишга рози эканлигини билдирди.

Кузатувчиларнинг фикрича, ҳукмрон коалиция бундан кейин ҳам валлон ва фламанд социал-христианлар ва социалистлардан иборат бўлади. Бошқа партиялар, жумладан франкофонлар ва фольксюнлар демократик фронти вакилларининг ҳукумат составига кириши ҳозирча номаълум.

● РАНГУН. Бирма автомобиль йўл транспорти давлат корпорацияси шу молия йилининг дастлабки олти ойи планини 16 процент ошириб бажарди. Ярим йил ичида 476 минг тонна юк ташилди, пойтахт билан округ марказлари ўртасидаги автобус линияларида пассажирлар қатнови яхшиланди. Рангун-Мандалай ва Рангун-Магве маршрутларида янги автобуслар пайдо бўлди. Давлат транспортда юк ва пассажир ташишдан 80 миллион кьятдан кўпроқ (12,4 миллион доллар чамаси) даромад кўрди. Бирма транспортчиларининг муваффақиятлари мамлакат экономикасида давлат секторининг мавқеини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшмоқда.

(ТАСС).

• Депутат минбари

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш вазифасини олдимизга муҳим вазифа қилиб қўйди. Бу вазифа ҳар бир ходимдан у қайси бир участкада меҳнат қилмасин, ўзининг хизмат вазифасини юксак ташкилотчилик, интизомлилик ва активлик билан адо этишини тақозо этади.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган булка-кондитер комбинатининг коллективи беш йилликнинг уч йили топшириғини муддатидан 1,5 ой илгари, зарбдор йил планини эса ўн кун олдин бажаришга муваффақ бўлди. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида эл дастурхонига қарийб 90 миллион сўмлик турли хил ноз-неъматлар етказиб берилди. Бундай муваффақиятларга эришишида корхонанинг ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат қилаётган коммунистлар, ўн икки халқ депутати Нина Ховостова каби кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари москволикларнинг ташаббусига қўшилиб, шахсий беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажардилар. Ҳозир улар 1983 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Коллективимизда бундай ажойиб кишилар кўплаб топилади. Айниқса 86 кишидан иборат ишлаб чиқариш мураббийлари ёш касб эгаларини тайёрлашда катта маҳорат сарфламоқдалар.

Бизнинг цехимизда йил бошидан 15 тоннадан ошириб маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Ой сайин 6 та ишлаб чиқариш цехлари ўртасида ўтказилган мусобақада коллективи биз фахрли биринчи ва иккинчи ўринни эгалламоқда.

Бутун комбинатнинг меҳнат аҳли ростовликлар ва янгийўлликларнинг: «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида меҳнат қилмоқда. Бизда нормасини бажармовчи биронта ҳам ишчи йўқ.

Шаҳар Советининг депутати сифатида социал-таъминот бўйича комиссияда секретарлик қиламан. Комиссия мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашда бевосита иштирок этаман, корхона ва муассасаларнинг ишини текшириш юзасидан комиссия аъзоларига берилган топшириқларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бораман.

Эришган муваффақиятларимиз бизни қувонтиради, албатта. Лекин коллективимизнинг ҳар бир аъзоси эришилган муваффақият билан чекланиб қолмайди. Беш йилликнинг тўртинчи йили — 1979 йилда ҳам олдимизда катта вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш ва белгиланган юксак марраларни ўз вақтида эгаллаш учун комбинат ишлаб чиқариш участкаларини кенгайтириш, эскирган ускуналарни янгиси билан алмаштириш муҳим аҳамият касб этади. Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам янада кўтаринки руҳда меҳнат қилади, КПСС XXV съезди томонидан белгиланиб берилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширади.

З. НУРМУҲАМЕДОВА,
булка-кондитер комбинатининг технологи, Тошкент шаҳар Советининг депутати.

• *Меҳнатда камол топган*

ФИДОКОР

Илёсжон биладики, қаерда пассажир транспорти иши яхши йўлга қўйилса, у ерда меҳнат коллективлари юксак кўрсаткичга эришади, Шу сабабли у йўловчиларнинг мунтазир бўлиб троллейбус кутиб қолмаслиги учун интилади. Гурра-гурра машина салонини тўлдираётган ҳамшаҳарларининг юзидаги табассумни кўриб завқланади.

Калинин майдони йўловчилар билан доим гавжум. Илёсжон навбатдаги рейса ҳозирлик кўраётиб, хомуш бўлиб турган Тоҳиржонга кўзи тушиб қолди. У машина штангасини тортиб қўйган шогирди ёнига келди.

— Нега хафа кўринасан, Тоҳиржон.

— Ўрта эшигим ёпилмаяпти. Депога қайтмоқчиман.

— Авжи йўловчилар гавжум вақтида, — деди устоз шогирдини салон ичкарисига бошлаб.

Кичик нуқсонларни созлаган И. Рўзиев зудлик билан эшик механизмларини кўздан кечирди. Орадан минут ўтгани йўқ, у предохранитель симларини янгисига алмаштиришни Тоҳиржонга тушунтирди.

Илёсжон Рўзиевнинг камтарона меҳнатини коллективимиз юқори баҳолайди, — дейди биз билан суҳбатда комплекслашган депонинг троллейбуслар бўйича эксплуатация бўлимининг бошлиғи И. Иброҳимов. — Зеҳнли ва иқтидорли ҳайдовчи ҳар йили 20 нафар ёш кадрга троллейбус ҳайдашнинг сир-асрорини ўргатади. Унинг қўлида таҳсил кўрган ёшлар меҳнат интизомини бузмасликка, машиналарни йўловчилар хизматига техник томондан пишиқ ва пухта олиб чиқишга, салонларнинг озода ва сариштa бўлишига алоҳида эътибор беради.

Моҳир ҳайдовчи И. Рўзиев келажак ҳақида, шаҳримиз электр транспорти истиқболи ҳақида ўйлайди, фикр қилади. У ўз ҳамкасблари билан бирга минглаб ҳамшаҳарларнинг манзилини яқин қилиш ишқи билан яшайди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
кўп нусхали «Мотор» газетасининг редактори.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

▲ СУРАГАН ЭКАНСИЗ...

УРУШ ИНВАЛИДЛАРИГА МАШИНА БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Кўплаб оқшомхонлар редакциямизга мактуб йўллашиб, Улуғ Ватан урушида иштирок этган оталари ва акалари, оналари ва опалари учун давлатимиз томонидан машиналар бериладими, деб сўрашибди. Бундан ташқари улар машинаси бор бўлган инвалидларга яна қандай имтиёзлар борлиги ҳақида сўрашган. Мухбиримиз газетхонларимизнинг бу хатлари билан шаҳар социал таъминоти бўлимининг мудири Минаввар Ориповна ОРИПОВАни таништириб, Улуғ Ватан урушида инвалидлари ва қатнашчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди:

— Минаввар Ориповна, «Запорожец» машинаси ва мотоколяска кимларга берилади?

— Давлат томонидан инвалидлар учун ажратиладиган ҳар бир «Запорожец» ва мотоколяска учун ҳар ҳафтада бир марта бўлиб турадиган шаҳар врачлар эксперт комиссияси қошидаги комиссия ҳузуридан ўтиш керак бўлади. Бу комиссиядан ўтиш учун район социал таъминоти бўлимига мурожаат қилиб, у ердан йўлланма олинади. Бу йўлланма Улуғ Ватан урушидаги ҳарбий госпиталдан олган беморлик варақаси билан топширилиши керак. Шаҳар комиссияси инвалидни кўриб чиққандан кейин комиссия хулосасига биноан ҳужжатлар расмийлаштирилади ва бу инвалидга «Запорожец» машинаси ёки мотоколяска ажратилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки ҳар бир инвалид фақат машина ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлсагина, унга транспорт ажратилади. Давлат томонидан текинга берилган машиналарни Улуғ Ватан уруши инвалидининг ўғли ёки бирор набираси ҳайдаши ҳам шаҳар давлат инспекцияси томонидан тақиқланган.

— Бепул ажратилган машиналарнинг бензини, ремонти учун кимлар ҳақ тўлайди?

— Ҳар бир Улуғ Ватан уруши инвалиди пенсия оладиган ишхонасидан ва шаҳар социал таъминотидан машинасининг ремонти, бензини учун ҳақ олади. Давлат томонидан текинга берилган машиналарнинг ҳамма ишлаб чиқариш мураббийлари ёш касб эгаларини тайёрлашда катта маҳорат сарфлаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажаришмоқда. Ҳозирги кунда Улуғ Ватан урушидаги ҳарбий госпиталда олган беморлик варақаси билан топширилиши керак. Шаҳар комиссияси инвалидни кўриб чиқиб, унга ҳужжатлар расмийлаштирилади ва бу инвалидга «Запорожец» машинаси ёки мотоколяска ажратилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир инвалид фақат машина ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлсагина, унга транспорт ажратилади. Давлат томонидан текинга берилган машиналарнинг ҳамма ишлаб чиқариш мураббийлари ёш касб эгаларини тайёрлашда катта маҳорат сарфлаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажаришмоқда. Ҳозирги кунда Улуғ Ватан урушидаги ҳарбий госпиталда олган беморлик варақаси билан топширилиши керак. Шаҳар комиссияси инвалидни кўриб чиқиб, унга ҳужжатлар расмийлаштирилади ва бу инвалидга «Запорожец» машинаси ёки мотоколяска ажратилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки